

ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШДА “АЛПОМИШ” ВА “БАРЧИНОЙ” МАХСУС ТЕСТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Бўрибоев Б.А.-п.ф.н.доцент ЖиззахДПИ.

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда баркамол авлодни тарбиялаш учун “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестларининг ўрни ва аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: Жисмоний маданият, жисмоний тарбия, спорт турлари ўлчов бирликлари (метр, секунд, ва ҳ.к.)

Ўзбекистонда баркамол авлодни тарбиялаб етиштиришда жисмоний тарбия воситаларидан мақсадли фойдаланиш амалга оширилмоқда. Бунда “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестларининг ўзига хос ўрни бор.

Донишмандлар таъбирича инсонда ҳамма нарса (ички туйғу ва ташқи қиёфа) доим гўзал бўлиши лозим.

Бу нақл ва даъват баркамолликнинг белгисидир дэса бўлади. “Соғ танда соғлом ақл” дейишнинг боиси шундаки, баркамолликнинг манбаъи бўлган маънавий бойлик маданияти ва жисмоний камолотнинг етуқлиги ўзаро мутаносиб бўлмоғи зарурдир.

Баркамоллик ва уни бойитиш маданияти доимий равишда тарбиялашни ҳаёт, давр ва ижтимоий педагогик вазиятларни талаб этади. Шу сабабдан ақл ва одоблик меъёрлари оила, боғча, ўқув муассасалари, маҳалла ва ташқи муҳитда (турли маданий тадбирлар, байрамлар, спорт мусобақалари ва ҳ.к) шаклланади ва такомилшатирилади. Бунда ўқув муассасаларидаги таълим-тарбия асосий ўринда туради.

Жисмоний тарбия дарслари, спорт машғулотлари ва мусобақаларнинг мазмунида мажмуий (комплекс) жисмоний тарбия машқлари мужас-самлашган. Чунки кўп қиррали ва турли хил жисмоний машқлар (спорт ҳам) инсон танасининг ҳар томонлама (гармоник) ривожланишини таъминлайди. Бу йўлда “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари (2000 йил 1-март) мазмун ва моҳият жиҳатдан талабларга жавоб бера олади.

Ўзбекистон мустақил Республика (1991йил 31 август) сифатида жисмоний маданият, жисмоний тарбия, спорт, халқ миллий ўйинлари ва саёҳатларни мақсад йўлида ташкил қилишга жиддий эътибор берди. Бу йўлда анчагина қонунлар, қарорлар қабул қилиниб, ташкилий ислоҳатлар ўтказилди, беқиёс кўп спорт тадбирлари ташкил қилинди.

Уларнинг таркибида “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестларининг ишлаб чиқилиши ва унга мақом берилиши (1999 йил декабр) Республика жисмоний маданият ва спорт ҳаракатида муҳим бурилиш бўлди.

Барча турдаги ва тоифадаги ўқув муассасаларининг “Жисмоний тарбия” дастурлари ва ўқув-услубий қўлланмаларида “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестларининг баъзи бир (енгил атлетика, гимнастика, сузиш, кураш, саёҳат ва ҳ.к) турлари мазмун топди. Мазкур махсус тестлар Низоми (положение - Устав) мазмунида таъкидланишича аҳолининг 6 ёшдан 70 ёшчага бўлган қисмлари тестларнинг меъёрий талаблари бўйича шуғулланиши ва махсус мусобақаларда иштирок этиб, ҳар йили уларни бажариб боришга даъват этилган.

Тестнинг мазмунан ва моҳиятан қулайлиги ҳамда афзаллиги шундаки энг аввало фаол ҳаракатларни тарбияловчи ва таъминловчи мажмуий (комплекс) машқларнинг турлари киритилган. Шуғулланувчиларнинг ёши, жинси, жисмоний баркамоллиги асосида меъёрий талаб миқдорлари (нормативлар) белгиланган. Уларни тўла ва ўз муддатида бажарган кишиларни рағбатлантириш мақсадида кўкрак нишонлари (олтин суви билан безатилган) таъсис этилган. Буларнинг барчаси шуғулланувчиларни баркамолликка етаклашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу мулоҳазалар муаммонинг бир томони дэса бўлади. Иккинчи томони эса бу йўлда эришилаётган ютуқлар, тажрибалар ва баъзи бир муҳим вазифалардир.

Далиллар. Халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ва “Ёшлик”, “Талаба”, касаба уюшмалари спорт жамиятларининг йиллик ҳисоботлари, педагогик кузатишлар, ўқувчи-ёшлар, талабалар ҳамда ишчи-меҳнаткаш ёшлар билан ўтказилган мулоқотлар, расмий суҳбатлар, сўров варақаларининг (анкета) жавобларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш натижаларига асосан қуйидагиларни баён этиш мумкин, яъни:

1. Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг марказларидаги ўқув муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналарида махсус тестлар бўйича назорат ҳамда ташкилий фаолиятларини бошқариш мақсадида махсус комиссиялар тузилиб, уларнинг масъулияти жамоа раҳбарларига топширилган. Бу комис-сиялар ўзларининг имконият ва шароитлари доирасида махсус тестларни бажаришга тайёргарлик машғулотларини уюштириш, мусобақаларни ўтказиш, илғор ташкилотчилар ва тест талабларини тўла бажарганларни нишонлар ҳамда турли буюм-совғалар билан тақдирлашни яхши йўлга қўйишмоқда.

2. Умумтаълим мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари ҳамда ишлаб чиқариш меҳнат жамоаларида фаолият кўрсатаётганларнинг 60-70% тестлар машғулотларига жалб этилган ва уларнинг кўпчилик қисми расмий мусобақаларда иштирок этишмоқда.

3. Махсус тестларнинг у ёки бу тури (гимнастика, енгил атлетика, сузиш ва ҳ.к) бўйича яхши натижаларни кўрсатган ёшлар спорт билан шуғулланишга жалб этилмоқда. Бунда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари (БЎСМ) мураббийларининг эътибори ва хизматлари таҳсинга сазовордир.

“Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестларининг моҳият жиҳатдан нуфузи ва салоҳияти ортиб бормоқда. Шунга қарамасдан чекланиш каби салбий жараёнлар ҳам кам эмас. Уларнинг баъзи бирларини намуна сифатида келтириш мумкин, яъни:

- вилоятлардаги аксарият кўпчилик ўқув муассасаларида махсус тестлар бўйича тайёргарлик ва талабларни бажариш учун расмий мусобақалар ўтказилмайди. Жисмоний тарбия дарсларидаги талаб (зачёт, баҳо) ва мусобақалардаги (енгил атлетика, гимнастика) натижалар асосида ўқувчи-ёшлар ҳамда талабаларнинг тестларни бажарганлиги ҳақида ҳисобот беришадди;

- сув ҳавзалари, ўқ отиш тирлари йўқлиги ва пиёда сайр-саёҳатларни ташкил қилиш манъ этилганлиги сабабли бу соҳаларда машғулотлар, мусобақалар ўтказилмайди. Шундай бўлсада баъзи бир ўқув муассасалари ва меҳнат жамоаларида кўкрак нишони билан тақдирлашлар содир бўлади;

- ўқув муассасалари ва меҳнат жамоаларида мазкур тестлар бўйича фаолиятлар юқори мутасадди идоралар ва спорт уюшмалари томонидан расмий равишда текшириш, назорат ишлари камдан кам амалга оширилади; кўпчилик жамоаларда тестлар бўйича ташкилий комиссиялар шакллантирилмаган;

- ҳарбий чақириқ идоралари ва улар билан алоқадор бўлган ташкилотларнинг (ватанпарвар, чақириққача тайёргарлик пунктлари ва ҳ.к) расмий маълумотларига қараганда чақириқ ёшидагиларнинг 50-60% хизматга тайёр талабларини тўла бажара олмайди, Яъни турнирда тортилиш, гавдани ошириш, тўсиқли югуришлар, граната улоқтириш, отиш, сувда сузиш ва бошқа турлардаги меъёрий талабларни бажариш натижалари 2-3 баравар кам.

Баён этилган нуқсонлар, жиддий камчиликларнинг негизи (илдизи) ўқув муассасалари ва меҳнат жамоаларида махсус тестларга бўлган

эътиборсизликка бориб тақалади. Энг муҳими эса ҳар бир ўқувчи ва талаба ҳамда ишчи-меҳнаткашнинг бу соҳадаги назарий билимлари етишмаслиги, масъулиятни сезмаслиги ва мустақил равишда жисмоний машқлар, спорт турлари билан мунтазам шуғулланмаслигидадир.

Қуйидаги вазифаларни амалга оширишни тавсия этиш мумкин:

1. Таълим-тарбия, жисмоний тарбия ва спорт ва улар билан алоқадор қонунлар, ҳукумат қарорлари ҳамда “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари Низомини шарҳлаш, уларни кенг омма орасида чуқур тарғибот қилишда оммавий ахборот воситалари ҳамда телерадио фаолияти масъулиятини кучайтириш. Бунда ўқув муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг раҳбарлари фаолиятида махсус тестлар бўйича аниқ кўрсатмаларни ёритиш.

2. Меҳнат қилиш (ўқиш ва жисмоний меҳнат), мудофаа ишларини амалга ошириш, жисмоний баркамолликни таъминлаш, узоқ умр кўриш, касалликларга чалинмаслик йўлларини ҳар бир ўқувчи-ёшлар ва фуқаролар амалга ошириши лозим.

3. Давлат идоралари ва жамоатчи ташкилотлар (ҳомийлар ҳам) ўзларига мансуб бўлган жамоаларда махсус тестлар билан мунтазам шуғулланиш бўйича тегишли шарт-шароитларни яратиб бериш, моддий жиҳатдан таъминлаш.

4. Олий ва ўрта махсус ўқув муассасалари ҳамда ишлаб чиқариш жамоаларида анжуманлар, семинар-кенгашлар ташкил қилиш ва бунда раҳбар ҳодимларнинг ташкилотчилик фаолиятларини кенгайтириш.

5. Махсус тестлар бўйича ўтказилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари ва илғор тажрибаларини махсус китоб-қўлланма равишда нашрдан чиқариш ва уларни жойларга етказиш.

6. Республика миқёсида “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари мусобақаларини ташкил қилиб бориш, ғолибларни тақдирлаш, айниқса мактабларни битирувчи (9-11синф), лицей ва коллежларни ўқиб тугатганларга ўқишга киришга (коллежлар ва олий таълим муассасаси) имтиёзлар (имтиҳонсиз) бериш.

Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаб етказишда беқиёс кўп тадбирлар, имкониятлар мавжуд. Баркамол авлод тарбиясида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни, моҳияти кенг қамровли ижтимоий-педагогик

жараён ҳисобланади. Бу жараёнлар “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари мазмунида мужассамлашган.